

ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН ШАРТНОМА № 3

16 03 2022 йил

Наманган шаҳри

Кейинги ўринларда «**Бююртмачи**» деб юритиладиган Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона бююртмачи инжиниринг компанияси номидан Низом асосида иш юритувчи директор **Д. Матмусаев** бир томондан ва кейинги ўринларда «**Бажарувчи**» деб юритиладиган «STANDART SANOAT SERVIS» МЧЖ номидан Низом асосида иш юритувчи фирма директори **Р.Долиев** иккинчи томондан, мазкур **Наманган вилояти Учкўрғон тумани "Яшиқобод" МФЙ** ҳудудидан оқиб ўтувчи Норин дарёсининг чап қирғоқ дамбасининг ПК 275+40 дан ПК 281+40 гача бўлган 600 метр узунликдаги чап қирғоқ дамбасини мустаҳкамлаш **объекти** учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш шартномасини тузиб имзоладилар.

I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. **Бажарувчи** мазкур шартнома шартларига кўра лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш (ЛСХ си ва бирламчи лойиха олди хужжатлари билан бирга) лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш мажбуриятини олади. **Бююртмачи** эса **Бажарувчига** лойиха-смета хужжатларини бажариш учун зарур бўлган шароитларни яратиш, уларни қабул қилиш ва инвестор томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2.1. Мазкур шартнома бўйича, ишчи лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш учун **Бажарувчи** томонидан бажариладиган ишлар қиймати жорий нархларда **ККС сиз 48 000 000 сўм (Қирқ саккиз миллион сўм)ни ташкил этади**

2.2 Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиш мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- ✓ ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ✓ ишлар ҳажми **Бююртмачи** томонидан ўзгартирилганда.

2.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар **Бююртмачи, Бажарувчи** ўртасидаги шартномага қўшимча келишув битими билан расмийлаштирилади.

III. БАЖАРУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Мазкур шартнома бўйича **Бажарувчи** мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

✓ барча ишларини мазкур **шартномада ҳамда унинг I иловасига** мувофиқ лойиха ишларни бажариш учун смета назарда тутилган ва муддатларда ўз кучи билан бажариш ҳамда ишни **Бююртмачига** мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

✓ ишларни бажариш давомида **Бююртмачи** томонидан талаб қилиб бориладиган маълумотлар ва шошилиш (оператив) сўровларни ўз вақтида ҳамда белгиланган муддатларда тақдим этиш;

✓ бажарувчи томонидан объект бўйича тайёрланган (ишлаб чиқарилган) лойиха смета хужжатларидаги қабул қилинган лойиха ечимлари ва ҳисоб китоб ишлари бўйича кейинчалик аниқланган камчиликлар қолдириб кетилган иш ҳажмларидаги йўл кўйилган хатоликлар натижасида етказилган зарарларни бажарувчи томонидан тўла қоплайди;

✓ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2. **Бажарувчи** мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда тайёр муҳандислик ҳисобларини ўз вақтида топшириш учун **Бююртмачи** олдида тўлиқ ҳамда мулкий жавоб беради.

IV. БЮЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун **Бююртмачи**:

✓ ишлар бажарилиши шартномада қайд этилган **Бажарувчи** томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, **Бажарувчидан** тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- ✓ **Бажарувчининг** барча мурожаатларини **10 (ўн) кун** муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
 - ✓ **Бажарувчига** инвестор томонидан ажратилган маблағлари ҳисобидан аванс бериш
 - ✓ ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

✓ Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

V. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

5.1. Буюртмачи Бажарувчига шартнома бўйича ишларни умумий, шартномавий-жорий кийматининг 30 % фоизини олдиндан тулаб беради колган 70% ни бажарилган ишлар **далолатномаси имзолангандан сўнг тулов амалга оширилади.**

VI. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатларни юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

6.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда **Бажарувчи** ва **Буюртмачи** ишларни давом этдириш ёки уларни вақтинча тўхтатиб туриш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКІЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармасдан ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

✓ иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;
✓ Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, инвестор томонидан ажратилган маблағни ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,2 фонзи** миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг **30 фонзидан** ошмаслиги лозим.

✓ Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларини ўз вақтида бажармаганлиги бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,5 фонзи** миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар кийматининг **50 фонзидан** ошмаслиги лозим.

✓ Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Бажарувчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг **0,5 фонзи** миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг **50 фонзидан** ошмаслиги керак.

✓ Пеня тўлаш Бажарувчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Наманган туманлараро иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

IX. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

9.1 Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

9.2 Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

9.3 Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

9.5 Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

9.6 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

9.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сонли Фармони талабларидан келиб чиқиб,

- тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугагандан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликни;

- тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлашни;

- ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга ҳилоф равишда норасмий пул ёки моддий қийматликлар олинишда йўл қўйилмаслик ва таклиф этмасликни кафолатлайди.

9.9 Мазкур шартнома 3 нусхада тузилади ва газначилик бўлими рўйхатидан ўтгандан сўнг қучга қиради.

IX. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

БУЮРТМАЧИ:

Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона
буюртмачи инжиниринг компанияси
Манзил: Наманган ш. Амир Темур кўчаси 105-уй
Телефон: 233-06-11
ш/х*: 1000 21860144017016801618091
бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 204 808 298
ОКЭД: _____

Газначилик бўлинмаси номи: Ўзбекистон
Республикаси Молия Вазирлиги Газначилиги
Газна х/в.: 2340 2000 3001 0000 1010
Тошкентдаги Марказий Банк ХКМ
МФО: 00014 СТИРи: 201 122 919



Директор: Д. Матмусаев

БАЖАРУВЧИ:

Наманган шаҳар, Марғилон кўча 16 уй,
Х/Р 20208000500401429001,
ДАТ "Асака банк" Наманган филиали,
МФО: 00231
ИНН: 303054208
ОКЭД 71100,
Тел: +99899-971-78-75 Standart.17@list.ru



Директор: Р. Долиев

Ҳуқуқий экспертиза-хулосаси

Ушбу пудрат шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза қилиб, шартнома лойиҳаси қонунчилик ҳужжатларига мос келишлигини аниқладим.

Шу сабабли, ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Компания ҳуқуқий маслаҳатчиси К. Тулашев « _____ » _____ 2022 йил

МУХОКАМА АХБОРОТИ

«16» март 2022 йил

Наманган ш.

Наманган вилояти ҳудудидаги Наманган вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи.Инжиниринг компанияси ташкилоти томонидан 2022 йил 11 март № 22П0012043567 сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли “Давлат харидлари “ тўғрисидаги қонунни 56 ва 58 моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича **Учқўрғон тумани "Яшиқобод" МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи Норин дарёсининг чап қирғок дамбасининг ПК 275+40 дан ПК 281+40 гача бўлган 600 метр узунликдаги чап қирғок дамбасини мустаҳкамлаш режалаштирилган.** Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли “Давлат харидлари “тўғрисидаги қонунни 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур савдо якуни бўйича STANDART SANOAT SERVIS МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокида энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари “тўғрисидаги қонунни 62 моддасига асосан Давлат буюртмачиси томонидан расмийлаштирилган кунда Давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.Шунга асосан икки иш кун ичида танлов иштирокчилари томонидан танлов ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, буюртмачи ва харид комиссияси томонидан голиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкинлиги белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Компания директори



Д.Матмусаев